

ТОНГЮЛАДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган

№ 29 (66004)
1997 йил, 12 апрель, шанбаСотувда эркин
наرخда

Кун сайин барчамизнинг умр китобимизда янги саҳифалар очилмоқда.

«Инсон манфаатлари йили» деб ном олган йилимизнинг моҳиятини тўғри тушунганлар ҳаётининг энг кичик зарралари бўлмиш дақиқаларниям беҳуда кетказмас

ҒАНИМАТ

ликка уринадилар. Давлатларига ривожу камол тилаган одамлар ўз ихтиёрларидаги бойлигу имкониятларини, гарчи у беҳисоб бўлса ҳам, бир қатра исроф қилмайдилар. Оқайтган сувнинг қадрига етдилар. Ҳар бир дақиқа, ҳар бир эзгу ишни халқ ва инсон манфаатларига бўйсундирадилар. Ривоят қилишларича, қадим замонда бир маҳаллада қули гул ҳунарманд уста яшар экан. Болалари ақлини таний бошлаши биланоқ ота уларга ўз ҳунарини ўргата бошлайди. Маҳаллада ҳунарманднинг бировга зарари тегмас, унинг фарзандлари ҳам ҳавас қилса арзигулик меҳнатсевар эканлар. Бироқ баъзи қўшнилари ундан узларича норози бўлишаркан. Сабаби — ҳунарманд элнинг тўй, аза каби зарурий маросимларига қўшиллар, уларда қулидан келганча хизмат қилар, лекин ҳуда-беҳудага чойхонага чиқиб ўз тенгдошлари билан суҳбатлашиб утирмас ортиқча гап-гаштакларга

қўшилмас экан. У ўз уғил-қизларини ҳам худди шу руҳда тарбиялабди. Ҳунарманднинг бу хислатини кимдир манманлик белгиси, кимдир «хасисликдан» — деб таърифларкан. Чунки бу одам Оллоҳ берган ҳар бир кунни оғир меҳнат билан утказар, тиккан маҳсиларини катта пулга сотар, яна боши билан ишга шўнгир экан.

КУНЛАР

Иттифоқо бир куни ҳунарманд ота бозорга кетганда унинг ун ёшга тўлмаган ўғли бир иш билан кучага чиқибди-ю, уйнаб юрган болаларга қизиб қолиб кетибди. Боланинг тенгдошлари билан уйнаётганини кўрган бир маҳмадона унга «Тинчликми, кучага чиқибсан, наҳотки отанг рухсат берган бўлса», дебди. Шунда бола кузлари жовдираб, «Отам бозорга кетганлар, мен кучага ўз ихтиёрим билан чиқдим», дея жавоб берибди. «Курдингми, отанг қанчалар бешафқат? Фақат сизларни ишлатади, кечаю-кундуз уйдан ташқарига чиқмасликка мажбур қилади. Ахир, мана бу болаларга ухшаб кучада уйнашга, шўхлик қилишга ҳаққинглар бор-ку» дебди. Унинг гапига кучадаги болалар роса қулишибди. Бундан изза бўлган ўғли руҳи синик ҳолда уйга

қайтибди. Лекин ҳеч қули ишга бормабди. Акаларининг саволларига ҳам жавоб бергиси келмабди.

Ота бозордан келгач одат бўйича ҳамма фарзандлари тиккан ишларини топиширишибди. Ҳунарманд кичик ўғлининг хомушлиги ва ишининг чалалигини кўриб ҳайрон бўлибди. Сабабини суриштирган экан ўғли курс, тушунарсиз жавоб берибди. Бола руҳиятидаги ўзгариш, унинг қўпол муомаласи отани яна ҳайратлантирибди ва

ЎТМАСИН

нима гаплигини билиб олишга қатъий аҳд қилибди. Отасининг жаҳлидан чўчиган бола кучадаги гапни бирма-бир айтиб берибди. Воқеани эшитган ҳунарманд бошини маъноли чайқабди-да, вазминлик билан шундай дебди: «Ўғлим, менинг гузарга чиқиб ҳар хил гап-сузларга қўшилиб утиришимдан ҳам, сизларнинг эртадан-кечгача куча чангитишингиздан ҳам ҳеч кимга фойда йўқ. Аксинча зарари тегди. Яна бир муҳим томони борки, мен бекорчилик оқибатида келадиган бошқа қатор кўнгилсизликлардан узимни ҳам, сиз фарзандларимни ҳам сақлашни истайман. Мана, бугун сиз вақтингизни кераксиз нарсага сарфлаб хато қилдингиз, шу бекорчи пайтингизда бегонанинг ўзи отангиз ҳақидаги ёмон, чалғитувчи гапларига қулоқ тутиб, иккинчи хатони қилдингиз ва ниҳоят ўша гапларни тўғри деб билиб, дилингизда оиламизга нисбатан норозилик уйғонди. Бу хатоларнинг ҳаммаси бекорчиликдан, вақтингиз фойдали ишларга сарфламасликдан келиб

Вақтинг—нақдинг

чиқади. Энди менинг сизларни тинмай меҳнатга жалб этишимнинг сабабини тушундингларми», дебди.

Азиз ўқувчи! Бу узундан-узоқ ривоятни ҳикоя қилишдан мақсадимиз сизларни ана шу хатолардан асрашдир. Чунки бизда, яъни мусулмон шарқида азалдан исломий қадриятлар асосида қомил инсонни тарбиялашга интилиш бўлган. Урта мактабларнинг 5—11-синфларида «Иқтисодий билим асослари» махсус фан сифатида урганилаётгани жуда қувончли ҳол.

Ҳозирги болалар маълум маънода бахтли авлоддир. Олис аجدодларимизнинг, шунингдек, ота-боболаримизнинг орзуларини қуриш уларга насиб қилди. Бизнинг барча ҳаракатларимиз уларни соғлом, ақлан тетик тарбиялашга қаратилган. Юртбошимиз:

БЕКОР

«фарзандларимизни яна ҳам яхши таълим-тарбияли ва одоли қилиб устириш-бизнинг миллий бурчимиздир» деган эдилар.

Азиз болажонлар! Сизнинг утқир нигоҳингизда нур, қалбингизда меҳр, билақларингизда битмас-туганмас саховат бор. Биз катталар ана шу саховатдан самарали фойдаланишингизни истаймиз, холос. Бунинг учун сиз биринчи навбатда мактабда яхши ўқишингиз, ҳар бир кунингиз ғанимат, уни Ватанимиз келажаги йулида утқизишингиз керак, бурч, масъулият, ватанга муҳаббат туйғуларини чуқур ағлашингиз шарт.



Сиз нима дейсиз?

ДАРС МУҲИММИ, ТЕЛЕСЕРИАЛ?

Бу тўғрида гап очишимга бир ўқувчимнинг узлуксиз дарсга келмагани сабаб бўлди. Суриштирганимда, у касал бўлиб қолганини айтди. Лекин синфдошлари унинг ёлгон гапирётганини, ойнаи жаҳонда намоиш этилаётган «Морена Клара» телесериалини томоша қилиш учун мунтазам дарсларга қатнашмаётганини билдирдилар. Баҳоначи бола қизариб, узини оқлаш учун бир сўз ҳам айта олмай, нигоҳи ер чизганча қолаверди.

Аммо узлуксиз намоиш этилаётган мазкур телесериал, бизнингча, болажонлар кундалик ҳаётига катта таъсир қурсатмоқда. Шу сабабли айтмоқчиманки, кўп серияли бадиий фильмлар намоишини кундуз кунига, айни ўқувчиларнинг машғулот пайтига тўғрилаш шартмикин? Буни айттайлик, тушдан кейинга кўчирса бўлмайdimи? Умуман олганда, кино кураман деб, дарс қолдиришни қандай баҳолаш мумкин?

Бегмат БОБОРАХМАТОВ,

Чирокчи туманидаги 100-ўрта мактаб ўқитувчиси.



Тўққизинчи апрелда республикаимизда Соҳибқирон бобомиз Амир Темур таваллуди куни кенг нишонланди. Бундан 661 йил муқаддам чараклаган ёрқин юлдуз ҳамон юртимиз узра ёрқин нур сочиб турибди. Амир Темурнинг муборак номи эллардан элларга, диллардан дилларга, қўшқлардан қўшқларга кўчмоқда. Юртбошимиз айтганларидек, «Бу дунёда халқимиз, миллатимиз, Ўзбекистонимиз бор экан, Амир Темур номи барҳаёт».

Мамлакатимизда ўтказилган «Олимпиада-97»да 245 та ун биринчи синф ўқувчилари қатнашиб, 53 нафар ёшларга республикаимиз олий ўқув юртига беинов кириш ҳуқуқи — Президент қафолатномаси берилганидан хабарингиз бўлса керак. Кейинги йилларда мактаб умумтаълим фанлари бўйича ўтказилаётган олимпиаданинг мақсади ёшларни илм-фанга, дунёвий фанларни эгаллашга бўлган қизиқишини ошириш, улардан энг иқтидорлиларини танлаб олиб, олий ўқув юртиларида билим олишни давом эттиришга қумаклашишдан иборатдир. Шу маънода биз бухоролик Нозимахон Омонова, фарғоналик Иномжон Иномжонов, хоразмлик Турғунбой Тоҳировларни ҳар қанча қутласак арзийди.

Утган куни, 10 апрель атоқли адиб, ўзбек романчилигининг асосчиси Абдулла Қодирий таваллуди куни эди. Нима сабабдан биз бу инсонни шу қадар эъзозлаб, ҳурмат билан ёдлаймиз, дерсиз азиз ўқувчи. Боиси у ўша 20-йилларда Туркистон мустақиллигини ҳимоя қилди. Туркистон озодлиги учун жонини фидо қилди. У ўзбек миллатини улуғлади ва шу миллат тимсоли бўлиб қолди.

Самарқанддаги инглиз тилига ихтисослашган 37-ўрта мактабда америкалик ўқувчилар билан учрашув бўлиб ўтди. Бу уларнинг жавоб таърифи эди. Боиси утган йили ушбу мактаб ўқувчилари Американинг Трентон шаҳридаги ўқув даргоҳларини бориб қуришганда АҚШнинг Флорида штатидан келган болалар қадимий шаҳарда бир ой давомда меҳмон бўлишди. Улар самарқандлик тенгдошлари билан бирга яшаб, бирга ўқишди.





Саҳна, у нима учун яратилган? Ҳаётнинг қайсидир лавҳасини акс эттириш учунми? Балки инсон узининг орзу ёки армонини воқеий тарзда ифодалаш учун керакдир у. Балки у инсон интилишининг ифодаси учун яратилгандир...

Томоша залида сизни бундай ҳаёллар банд этмайди. Ҳоҳланг, хоҳламанг, саҳна қаҳрамонларининг тарафдори ёки рақибга айланасиз.

Аслида, воқеалар жараёнига сизнинг даҳлингиз йўқ. Бироқ сиз уша воқеалар силсиласида бедахл ҳам қололмайсиз. Томошадан сунг...

Суҳбатдошимиз ёш драматург Эркин Хушвақтов Шаҳрисабзнинг Чамбил қишлоғида туғилган. Яқинда саҳналаштириб, томошабинлар томонидан олқишланаётган «Чимилдик» спектакли ҳам унинг қаламига мансуб. Эркин билан суҳбатимиз қуйидагича бошланди:

— Эркин, «Чимилдик»ни саҳнага тикишнинг ҳолати бормиди?

— Ўйибор берган бўлсангиз бу саҳна чимилди томошабин учун ниҳоятда қадрдон, сирли, олис ва яқин бўлиб туюлаётир. Томоша жараёнига худди тўйга киргандек кириб

борилади. У ёгини узингиз курдингиз...

Саҳнага тикилган «Чимилдик» масаласига келсак, ҳаётимизнинг бу муқаддас гушасидан биз бир қадар йироқлашиб қолган эдик. Уни ёзаётган вақтимда томошабинни қисқа муддат бўлса-да, уша муқаддас гушага қайтармоқчи бўлганман. Эҳтимол уша... муқаддасликни кўпчилиكنинг ҳаётига қайтариш истагим бўлгандир.

— Ростдан ҳам уз урф-одатларимизни саҳнада қизиқиб, гўё ўтмишимизнинг бир парчасидай кўрдик. Бизлар анча ривожланиб, янги урфларга одатлана бошладикми? Миллий урф-одатлар ҳам либослар каби эскирадилми? Балки тараққиёт бусағасида туриб саҳнадаги ўтмишга қараш томошабин учун кўнгилли бўлгандир?

— Сиз бераётган бу саволлар эҳтимол, узингиз учун ҳам оғриқлидир. Чунки сиз уларни менга эмас, гўё узингизга бераётгандай туюлаётми, назаримда.

МУЛЛОЛАРНИ МУЛЛО ҚИЛГИЧ УСТОЗЛАР...

«Муллоларни мулло қилгич азиз мударрислар, муҳтарам устозлар. Сиз азизларнинг олдингизда бош эгиб таъзим қиламан. Чунки Сиз миллатимиз гурури ва ориятини юксалтирувчи фарзандлар тарбияладек, шарафли ва маъсулиятли вазифани адо этасиз. Орият эса ҳар қандай миллатни тик тутиб турувчи устундир».

Бу сермаъно гаплар «Инсон маънавияти» университети ташаббуси билан ўтказилган ажойиб бир кечада севимли шоирамиз Турсуной Содиқова томонидан айтилди.

«Инсон камолоти» Университетининг иш бошлаганига эндиgina 3 ой вақт бўлди. Шу қисқа давр мобайнида бир талай хайрли ишлар амалга оширилди. Республика Таълим маркази қошида уз ишини бошлаган бу маънавият университети-нинг асосий мақсади буюк аъллоларимиз-ўтмиш мутафаккирларининг маънавий меросларини тингловчиларга етказиб бериш ва Республика президенти И. Каримовнинг маънавият ва маърифат ҳақидаги фармонларини ҳаётга тадбиқ этишдир.

Шунга қўра Университет уз дастурини ишлаб чиқди. Дастурда ҳар ойда бир маротаба таниқли олимларни, санъаткорларни, ёзувчи ва шоирларни ижодий учрашувга таклиф этиб, унга Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги малага оширишда ўқитган ўқитувчиларни, Тошкентдаги педагогика билим юрлари талабаларини, илмий-тадқиқот жамоалари билан учрашувлар ўтказиш кузда тутилган. Азиз Қайюмов, Зикир Муҳаммаджонов, Ёдгор Саъдиев каби эл назаридаги замондошларимиз билан маънавият ва маърифат ҳақида қизиқарли баҳслар бўлди.

«Инсон камолоти» университети-нинг ректори, профессор Т. Тошлонов очиб берган бир жуфт гузал қушиқдан сунг, Турсуной опанинг мароқли суҳбатлари, оҳанграбо шеърлари, кеча қатнашчиларини сеҳрлаб қўйган бўлса, таниқли, актриса Марям Ихтиерованинг қушиқлари томошабинлар қалбини титратиб, уларни ҳаётга чуқурроқ назар солишга даъват этди.

Дилрабо ДАВЛАТОВА.

Санъатда энг ёмони тақлидир. Тақлидчи яратувчи бўлмагани сабабли ўзгалар ижодини такрорлайди. Бу ожизликдир. Ҳаётда ҳам бошқа халқларга тақлидан яшап оғизлик аломатидан бошқа нарса эмас. Ёдингизда бўлса, биз яқиндагина урф-одатларимиз у ёқда турсин, она тилимизда гапиришдан ҳам орланадиган даражада тубанликка тушиб қолган эдик. Европага тақлидан яшап маданиятидай туюларди назаримизда. Аслида эса маданият урф-одатлар, тил, санъат ва Она-Ватанга муҳаббат демакдир. Худога минг шукрлар бўлсинки, узимизга қайта бош-

ладик. Демак, халқимизнинг қудрати ҳам қайта бошлади. Шу боис ҳам мен томошабин бу гал саҳнада узини ойнада кўргандай бўлди, деб ҳисоблайман...

— Болалар тарбиясида сизнингча нималарга жиддий эътибор бериш керак?

— Уларни назаримда ҳамма нарсдан чеклаб қўймаслик керак. Бола уз ота-онасидан ҳуни-маслиги, уларни севиши ва фахрланиши лозим. Унинг ҳаётида шундай шароит яратинг керакки, токи бола табиат, муқаддас юрт ва яхши одамлар меҳрига қоришиб кетсин. У


бор қаратилмоғи лозим. Шунинг учун ҳам ҳали мени болалар учун саҳна асари ёзишга ботинолганим йўқ. Бироқ, ёзиш ниятидан ҳам мосуво эмасман. Бу масала барча драматурглар учун ҳам тегишлидир.

— Болалар учун айтадиган гапларингиз йўқми?

— Бор. Мен уларга ақл ўртатмоқчи эмасман. Бир нарсани аниқлашмоқчиман холос. Рост гап буни узим ҳам яқинда англаб қолдим. Эртақлар инсон орзуларидан яралади. Афсоналар эса ҳақиқатдан унчалик йироқ нарсалар эмас. Болалар кўпинча афсоналар юртига тушиб қолишни орзу қиладилар. Узим ҳам орзу қилганман. Тўғилиб ўсган қишлоғим эса Чамбил... Биз томонларда Сусамбил дашти ҳам мавжуд. Қашқадарёнинг Ғўзор туманида Тоҳир ва Зухранинг қабри бор. Икки қабр уртасига Қора ботир қўмилган. Ҳар йили худди афсонадагидек Тоҳир ва Зухранинг қабрида гуллар очилади. Қора ботирнинг қабрида эса чақиртиқанлар ўсади. Демак, афсоналар юрти бу — Ўзбекистондир. Бизнинг болалар эса афсоналар юртининг болаларидилар. Мен уларни адолатпарвар ва эзгулик тарафдорлари бўлиш боболари каби ботир ва доно бўлишларини хоҳлайман.

— Кўнгилли суҳбатингиз учун раҳмат.

Суҳбатдош Халима АҲМЕДОВА.



ШОҲИСТА ОПАНИНГ ШОГИРДЛАРИМИЗ

Баъзан дугоналаримиз билан ўйлаб қоламиз: Бу аёлни нега ҳамма яхши кўради? Қайси синфга кирмасин, қайси тadbирга аралашмасин оҳанграбодек ўқувчилар эътиборини узига торта олади-я. Ҳа, биз мактабимизнинг ўқувчилар етакчиси Шохиста Қурбоновага ҳавас қиламиз, унга ўхшагимиз келади.

Шохиста опа уз ишини устасигина эмас, балки фидойисидир. Ҳар бир ишга ижодкорлик билан ёндошади, янгиларни ахтаради. Айниқса, болаларга меҳрибонлиги, ширинсузлигини айтмайсизми? Ана шу фазилатлари учун ҳам Шохиста опа мактабда ҳамма ўқувчилар, айниқса, қизлар учун ибрат олаётган инсонга айланди.

Донишманддан сўрадилар: «Дунёда энг улў зот ким?» Ул зот лўф қилди:

— Ота билан онадир.
— Ота билан онага баробар келадиган табаррук инсон борми? — Бор. У зот муаллимдир. Ота-она фарзандига моддият ато этса, муаллим маънавият бағишлайди. Кузига илм зисси, қўлига китоб деган неъмат, қалбига муҳаббат деган тўйғуни ато этади. Дарҳақиқат, ўқи-

Шохиста она ҳам уз вақтида устози, халқ таълими аълочиси Саида Раҳмоновадан кўп нарсалар ўрганган, яхши фазилатлар, ўғитлар олган.

Бугунги кунда етакчи опамиз Шохиста Қурбонова мактаб жамоасини жипслаштириш, болаларни эзгуликка ошино этиш, уларнинг бўш вақтларини намунали, мазмунли ўтказишлари йўлида тинимсиз изланаётир.

У ташкил этаётган «Биз ватанинг келажагимиз», «Амир Темур сабоқлари», «Кутубхона — билим ўчоғи», «Табиатни асранг одамлар», «Жаҳонга танилган аждодларимиз», «Миллатни маърифат қутқаради», «Ун уч ёшлар байрами», «Ху-

лангич синф ўқитувчиси бўлиб ишга келди. Уз фаолияти давомида кичкинтойлар қалбига йўл топти, унинг синфида ўқиб, ўзлаштириш юқори уринларда бўлди. — Мактабимизда оила ва мактаб ҳамкорлиги яхши йўлга қўйилган, — дейди муаллима — касбдошларим бирор ўқувчиси ўзлаштиришда оқсаб қолса дарров уларнинг уйларида боришди, ота-онанинг фарзандига ёр-

Менинг муаллимим

нар — зар» каби синфдан ташқари мавзулардаги тadbирларга тенгдошларимиз тобора қизиқиш билан қатнашишмоқда. Турли курик-танловлар, баҳс мунозаралар ўтказишда Шохиста опанинг ташкилотчилиги, жонқуярлиги, зукколиги бизни ҳайрон қолдиради. Шундай пайтларда у кишини ёнида туриб қўлдан келганча, ердан берамиз. Шундай ажойиб инсоннинг шогирдлари эканимиз билан фахрланамиз.

Гулшанда РАЖАББОВЕВА,
Ғиждувон туманидаги
Айний номли мактаб
ўқувчиси.

моқда. Устоз Адолат опа яқиндагина марҳум педагоглар Салтанат Исоқова, Мукаррама Исмолова, Қўлмуҳаммад Абдуллаев, Руздат Зисев, Ботир Оқилов, Акрамхужа Умархужаевлардан касб сирларини ўрганган бўлса, энди узининг ҳам кўп шогирдлари бор. Сингиллари Ҳикоят, Малоҳат ўқитувчилик қилишяпти. Яқинда муаллима ҳаётида унутилмас воқеа юз берди. У Президентимиз фармонида кўра «Шуҳ-

рат» медали билан тақдирланди. Бу юксак мукофот уз касбининг жонқуяри, ажойиб педагог меҳнатига берилган муносиб баҳодир. Биз ҳам устозни юксак нишон билан қўтлаймиз.

Латифжон МАНСУРОВ,
Тошкент вилояти, Юқори
Чирчиқ тумани.

Ота билан онага тенг...

тувчи — устоз. Унинг меҳрини нур сочиб бутун борлиқни яшнатаётган саховатли қўшпа тенг қилиш мумкин. Адолат опа Зияева ҳам бутун умрини, билимини ёш авлод тарбиясига бағишлаётган устозлардан. Адолат опа ёшлигидан ўқитувчиликни орзу қилди. Олий маълумот олгач, Юқори Чирчиқ тумани «Ковардон» қишлоғидаги 3-ўрта мактабга бон-

дам курсатиши, дарс тайёрлаши учун шароит яратиб бериш зарурлигини тушунтиришди. Натижада кўпгина ўқувчилар яхшилар қаторидан уринилишган. Адолат опа уз дарсларини қўшимча адабиётлар, қўзғамали воситалар билан ўтишдан ташқари ота-оналар билан ҳамкорликда иш олиб борадилар. Умр оқар сувдек ўтиб бор-

Хой тилим, хой тилим,
Сендан булди вайрон
уйим.

Хой тилим, хой тилим,
Сендан булди барбод ум-
рим.

Бизни яхши ва ёмонга
ажратган ҳам шу тилимиз-
дир. Демак у обрўга ширин
тили, меҳрибонлиги билан
эришган. Бундан ун йил

мини елкасига сирғалиб кет-
маслиги учун тез-тез ташлаб
қуяр, ёнма-ён утириб бир-бир-
ларини жудаям ҳурмат қили-
шарди. Уларнинг бу ҳаракат-
лари автобусда утирган катта-
ю кичикларга сираям ёқмас-
ди. Аёллар бир-бирларига қа-
раб лаб буришар, уларга ёмон
қўз билан қарашиб сал нари-
роққа бориб утирса булмайди-

деган ибратли бир мақол бор.
Дарз кетган юракдан сура-
шибди: «Сенга нима булди?
Тиг тегмаса ҳам, ўз-ўзингдан
дарз кетибсан?» — Тигдан ҳам
ёмонроқ нарса тегди, — дебди
у. — Йвгогарнинг тил тиги
тегди.

Дарҳақиқат, уйламай га-
пирилган ҳар қандай гап дуст-

ИМТИҲОНЛАР ЯҚИН

Ўқув йили тугашига ҳам
оз вақт қолди. Битирувчи
синф ўқувчиларининг юра-
гида ҳаяжон ва озгина но-
хотиржамлик. Ахир имти-
ҳонлар яқин. Мактабимиз
битирувчилари Ўзбекистон
Халқ таълими вазирлиги-
нинг битирув имтиҳонла-
ри ҳақидаги йўриқномаси
билан яқиндан танишиб,
унга қизгин тайёргарлик

қўришяпти. Муаллимлар-
дан Абдумалик ака Қурбо-
нов, Абдувахоб ака Раҳи-
мовлар фанлардан тест са-
воллари тузиб ўқувчилар-
ни синовдан ўтказишяпти.
Натижаларидан ота-оналар
ва устозлар ҳам хурсанд.

Феруза ПАРПИЕВА,
Фаргона вилояти,
Ўзбекистон тумани,
8-ўрта мактаб ўқувчиси.

Жонбозлар

Мактабимиз ўқувчилари
металл парчаларини йиғиш
борасида жонбозлик қилиш-
моқда. Шу кунгача 8.500
тонна металлом тайёр! Дала,
қирлар, эски ҳовлилар, тева-
рақдаги темир-терсақларни
олиб келишда 5-«Г» синф
ўқувчиларидан Умида Сайи-
дахмедова, Абдуллатиф Тил-
лабоев, ҳамда 7-«В», 8-«В»,
9-«А» синфдагиларнинг топ-

қирликларидан мактабдошла-
ри тугул ҳокимият раҳбарла-
ри ҳам жуда миннатдор. Бу
жонбозликлар эл равнақи, юрт
ривожига минг-минглаб
фойда-да!

Гулбаҳор ЎРИНБОЕВА,
Фаргона вилояти,
Ўзбекистон тумани,
Муқимий номли 8-ўрта
мактабнинг 8-«В» синф
ўқувчиси.



аввалги бир воқеа доимо
ёни тез хулоса чиқармас-
ликка, билиб-билмай бирор
инсон ҳақида фикр билдир-
масликка ургатди. Қиш-
лоққа қатнайдиған автобус
шаҳарга яқинлашиб қолган-
да бир бекатдан ёш ва чи-
ройли кийинган йигит ва
қиз чиқишди. Улар буш
уриндиққа утиришди. Қиз
йигитнинг устидаги костю-

ми, — деб гапиришарди. Шу
пайт йулнинг унқир-чунқир-
лиги сабабли автобус чуқур-
чадан силкиниб утди-ю, бе-
фойда гаплар шу чуқурликка
«тушиб» кетди. Не қўз билан
курайликки, қиз эъзозлаб ке-
лаётган бу йигитнинг икки
қули йўқ эди... Шунинг учун
доимо хулоса чиқариш учун
ҳеч ҳам шошилманг. Халқи-
мизда «етти улчаб, бир кес» —

ни душманга айлантиради. Бир
оғиз ширин сўзингиз эса
«илонни инидан чиқариши»
— турган гап. Ҳар босган қа-
дамга эҳтиёт бўлиб, ҳар бир
сўзни уйлаб айтмоқ эса инсо-
нийлик қадр-қийматининг энг
олижаноб маҳсулидир.

Маъмура МАДРАХИМОВА.

Сиз нима дейсиз, азиз
газетхон?

КАБУТАР ҚАНОТИДАГИ МАКТУБЛАР

Мактабимизда Болалар ва
ушмирлар уюшмаси мавжуд.
Уюшмага Жамила опа До-
наева раҳбарлик қиладилар.
Уюшмаимизнинг ташаббус-
кор аъзолари сай-ҳаракат-
лари боис адабий кечалар,
қизиқарли учрашувлар ут-
казиб турилади. Уюшмаимиз
фаолиятини сарҳисоб қи-
лар эканмиз, биз шу пайтга-
ча утказган ва утказилиши
қўзда тутилган бир талай
тадбирларимиз назаримиз-
да бироз чеклангандек тую-
лади кишига. Чунки, уша
тадбирлар имкониятимизда-

дан сарбаланд булишни қа-
чонлардир дилимизга тугиб
қуйганмиз. Аммо, аксарият
ҳолларда бу мақсадимизга
эришишнинг иложини топол-
маймиз. Биз юқорида таъриф-
ларини келтирган санъаткор-
ларимиз ўз юртларига, ижод-
ларининг табарруқ пиллапоя-
си бўлмиш туғилган шаҳар
ва қишлоқларига ойда, йил-
да бир бор қадам ранжида
қилишларига шубҳа йўқ.
Ташриф буюрганлари ҳам ҳа-
миша раҳбар ҳамроҳлигида
савлат тукиб келишади, ўқи-

шимиз — ута баландпарвоз-
ликдан узга нарса эмас. Чун-
ки, мактаб ўқувчиларининг
билим ва туйғуларини камол
топтиришда, фақатгина мак-
таб доирасидаги тадбирларни-
нг ўзи кифоя қилмайди. Биз
дилдан, норасмий, ҳаётга, тур-
мушга янгича фикр, кенг ду-
нёқараш билан ёндошишга ун-
дайдиган қизиқарли тадбир-
лар утказилишини жуда-жуда
истаймиз. Токи, юрагида
«шеър» завқи жўш урган ус-
пириннинг содда туйғулари
қаровсизликдан сунмасин,
қалбининг туб-тубида илм бу-
лоғи қайнаб ётган биз каби
ёшларнинг тафаккури эъти-
борсизлик, чала парвариш
оқибатида заволят топмасин...

Бу истакларимиз, қадрли
«Тонг юлдузи» рузномаси таҳ-
ририятининг эътиборидан чет-
да қолмас, деган умид билан:

**Сурхондарё вилояти,
Жарқўрғон туманидаги
3-ўрта мактабнинг
Болалар ва ўшмирлар
уюшмаси аъзолари.**

**Сўз — сурхондарёлик
машхур
замондошларимизга.
ТАҲРИРИЯТ.**


ЭЪТИБОР

тувчилар ўқувчиларнинг ку-
логига қуйиб қуйган туртта-
бешта чучмал саволларга ис-
тар-истамас жавоб беришади,
қандай савлат тукиб келиш-
ган бўлсаушандок мағрур ва
нописандлик билан қайтиб
кетишади...

Биз мактаб ёшида ўз тари-
химизни, маданиятимизни,
адабиёт ва санъатимизни чу-
қур урганмай туриб, ватан-
парварлик даъвосини қили-

қаси ўзининг «овози тошни
ёра» (Ш. Раҳмон) куйчи-
бахшиларини ўзбек адабиё-
тининг барча соҳаларида қа-
лам тебратиб, халқ юраги-
дан муносиб урин эгалла-
ган ўзига хос ҳассос шоир-
ёзувчилари, ўз мавқеи, ўз
овозига эга бўлган ҳофиз-
ларини инсон қалби манза-
раларини ҳам ифода этиш-
га қодир мусаввирлари, бир
сўз билан айтганда, сара
санъаткорлари билан азал-
дан маълум ва машхурдир.

Биз ана ўша санъат аҳли-
нинг намояндалари билан
бевосита, яқиндан таниш-
моқни, уларнинг суҳбатла-
ридан баҳраманд, ўғитлари-



«Мен жаҳоннинг мутлак
чемпиони бўлсам ҳам, ўз-
бек элини, нуруний дуо-
ғўларни ҳамиша қўз ол-
димда кўраман. Улар ҳузу-
рида бўлсам, эгилиб таъзим
қиламан. Болалар орасида
беғубор болалигимни эс-
лаб ҳузурланаман.

Ёш спортчилардан асло

ШИНГИЛ ТОПИШМОҚ

тажрибаларимни ая-
майман.

Юртимиз байроғини кўр-
сам, ўзимни бағрига ўра-
либ юргандек ҳис этаман.
Сафарлардан зафар кучиб
келсам, туғилган юртимни

Обуна мавсумида вилоят
раҳбарларидан ваъдаларни
катта олдик. Ҳатто улар саҳи-
фани тўлдириб чиқишлар қи-
лишди ва вилоят ўқувчилари-
нинг билимдонлиги — газет-
хонлигидан эканлигини
таъкидлашди. Ваъда вафоси
билан, дейишади. Куйида ви-

лоят ўқувчиларининг «Тонг
юлдузи»га обунаси ҳақида
маълумот берилмоқда. Ундан
сиз катта устозларимиз ўз
сўзларининг уддасидан қан-
чалик «чиққанларини билиб
оласиз. Апрель ойида газета
ўз ўқувчилари кўлига қаранг,
қанча етиб борар экан!.. Ҳол-
буки республикаимиздаги мак-
табларнинг сони бундан кўп,
улардаги синфлар сони эса...
ҳисоблаб олаверинг! Ҳар бир
мактаб биттадан, мактаблар-
даги синфлар яна биттадан
обуна бўлганда обуначилари-
миз саноғида салмоқ бўлар
эди. Бунда ўқувчини эмас,
уларга илм ол, замон билан
баробар юр, нигоҳинг дунёни

**Обуна —
ўзлуксиз жараён**
кузатсин, деб таълим бе-
радиган ўқитувчи ва тар-
биячиларни айбламоқ дар-
кор.

Тошкент шаҳри — 330

Тошкент вилояти — 313

ВАЪДА ВАФОСИ БИЛАН

Хоразм — 244

Қорақалпоғистон — 165

Бухоро — 704

Навоий — 218

Самарқанд — 1137

Сирдарё — 332

Сурхондарё — 446

Жиззах — 339

Фарғона — 280

Андижон — 531

Наманган — 1280

Қашқадарё — 394

**Вилоят халқ таълими
раҳбарларидан жавоб
кутамыз.**

ТАҲРИРИЯТ.

бу ким? Сизлар ҳам ке-
лажақда катта шон-шўҳ-
рат қозонсангиз, шу ин-
сон каби одил, жасур ва
камтар бўла оласизми?

**Анвархон
АХМАДҚОРИ ўғли,
Ўзбекистон халқ
таълими аълоҳиси.**

